



САМАРАЛИ ҲАМКОРЛИК ЯНГИ БОСҚИЧДА

ҚАСИМ-ЖҰМАРТ ТҰҚАЕВ РОССИЯ ПРЕЗИДЕНТИ ВЛАДИМИР ПУТИН БИЛАН УЧРАШДИ

Сухбат чоғида икки давлат раҳбарлари Қозоғистон ва Россия ўртасидаги савдо-иқтисодий ҳамкорликнинг ҳозирги ҳолати ва тараққиёт истиқболларини атрафлича муҳокама қилдилар.

Қасим-Жўмарт Тўқаев оғир геосиёсий вазиятга қарамай, Қозоғистоннинг муҳим стратегик ҳамкори бўлган Россия билан муносабатлар жадал ривожланаётганини таъкидлади.

– Бу йил дипломатик муносабатларимизга 30 йил тўлди. Икки томонлама ҳамкорликни ривожлантиришда салмоқли ютуқларга эришдик. Уйлайманки, бу борадаги алоқаларимиз бундан кейин ҳам жадал ривожланади, – деди Президент.

Ўз навбатида, Россия Президенти икки давлат ўртасидаги савдо-иқтисодий алоқалар янада мустаҳкамлашини таъкидлади.

Akorda.kz.

ДАВЛАТ РАҲБАРИ ТИББИЁТ ХОДИМЛАРИНИ ТАБРИКЛАДИ

ПРЕЗИДЕНТ ҚАСИМ-ЖҰМАРТ ТҰҚАЕВ ҚОЗОҒИСТОН ТИББИЁТ ХОДИМЛАРИНИ КАСБ БАЙРАМИ БИЛАН ТАБРИКЛАДИ

«Ҳурматли шифокорлар, тиббиёт ходимлари! Тиббиёт ходимлари кунин билан табриклаймиз!

Сиз эзгулик ғояларига садоқат билан хизмат қилиб келмоқдасиз.

Жамиятимизнинг шифокорларга ишончи кун сайин ортомқда. Кўплаб иқтидорли ёшлар бу касбни эгаллашга ҳаракат қилмоқда.

Давлатимиз томонидан тиббиёт ходимларини ҳар томонлама кўллаб-қувватлаб, соғлиқни сақлашни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Халқ саломатлиги – янги адолатли Қозоғистонни барпо этиш йўлидаги давлатимиз сиёсатининг энг муҳим йўналиши.

Машаққатли меҳнатингиз ва Гиппократ қасамёдига содиқлигингиз учун сизга чин дилдан миннатдорчилик билдираман», дейилади Президент табригиди.

Қасим-Жўмарт Тўқаев барча тиббиёт ходимларига мустаҳкам соғлиқ ва фаровонлик тилади.

Akorda.kz.

● Танлов

«ТУРКИСТОННИ КЎРГИМ КЕЛАДИ!»

Туркистон шаҳрида сайёҳликни ривожлантириш мақсадида вилоят ҳокимлиги ва «Turkistan» телеканали ташаббуси ила «Туркистонни кўргим келади!» танлови бошланди. Лойиҳанинг бош мақсади – қадимий ва навқирон Туркистонни яшироқ танитиш. Шунингдек, Туркистон вилояти ташкил этилганга 4 йил тўлиши муносабати билан минтақанинг сайёҳлик салоҳияти ортаганлигини намойиш этиш. Бу ҳақда «Turkistan Media Holding» МЧБ раҳбари Жанахмет Ағибаев маълум қилди.

Танлов уч босқичдан иборат. Саралаш босқичида иштирок этишни истаган фуқаро қайси шаҳардан эканлигини маълум қилиб, Туркистонни нима учун кўргиси келаётгани ҳақида 1 дақиқали видеоролик тайёрлаб, ўзининг Instagram саҳифасида #туркистонни кўргим келади хештеги билан пост эълон қилиши зарур. Ҳолилар baigau.turkistan.tv сайтыда томошабинларнинг овоз бериши орқали аниқланади. Шу сабабли видеосини эълон қилган иштирокчи baigau.turkistan.tv сайтга кириб, рўйхатдан ўтиши шарт. Энг қизиқарли видеоролик тайёрлаган 5 иштирокчи Туркистонга йўлланма олади. Биринчи босқичдан ўтган 5 номзоднинг барча харажатлари ташкилотчилар томонидан қопланади.

Дастлабки саралаш босқичидан ўтган 5 киши Туркистонга келиб, саёҳат қилган жойлари тўғрисида видеоролик тайёрлайди. Ҳолиларни махсус комиссия аниқлайди.

«Туркистонни кўргим келади!» лойиҳаси «Turkistan» телеканали ва унга тегишли барча ижтимоий тармоқларда эълон қилинади.

Вилоят минтақавий алоқалар хизмати.

● ЭЪЛОН!

«ЖАНУБИЙ ҚОЗОҒИСТОН» – ҲАР БИР ХОНАДОНГА!

Туркистон ва Кентов шаҳарлари, Саврон туманида истиқомат қилувчи кадрли муштарийларимиз диққатига!

25 июнь куни соат 10.00да Туркистон шаҳри марказидаги «Карвонсарой» мажмуасида «Жанубий Қозоғистон» – ҳар бир хонадонга! хайрия акцияси бошланади. Она тилимизда 31 йилдан буюн нашр этилаётган, давлатимизнинг тинчлик, тотувлик, тараққиёт сиёсатини тарғиб этаётган «Жанубий Қозоғистон»

вилоят газетасига 2022 йилнинг иккинчи ярмига обуна борасида ташриф буюришингиз ёки 8 771 698 64 94, 8 701 610 51 22 телефонларига кўнғироқ қилишингиз мумкин.

Сиз азизлардан фаоллик, ҳиммат ва ташаббус кутиб қоламиз.

Туркистон, Кентов шаҳарлари ҳамда Саврон тумани ўзбек этномаданият бирлашмалари бошқаруви.



● Обуна–2022

ҚАДРЛИ МИЛЛАТДОШ, «ЖАНУБИЙ ҚОЗОҒИСТОН» ГАЗЕТАСИГА ЁЗИЛИНГ!

«Рўзномага ёзил, дея мажбурлашпми» деб аччиқланманг. Юқори ташкилотларга шикоят ҳам қилманг, ахир обунага мажбурлаш – маст қилувчи май истеъмол қилишга, тамаки ёки гижёванд модда чекишга мажбурлаш эмас-ку, маънавиятни улуглашга, қалбда иймон улугворлигини таъминлашга даъват, бу.

«Қазпошта» ҲҲ орқали: Шимкент шаҳри учун – 2590, 85 тенге; туманлар учун – 2911, 20 тенге.

Таҳририят орқали имтиёзли баҳода олиш мумкин.

У ҲАФТАСИГА УЧ БОРА ХОНАДОННИНГИЗГА ТАБАССУМ-ЛА ТАШРИФ БУЮРАДИ, ХУШКЎЙФИЯТ УЛАШАДИ

Аслини олганда, тушунган одам газет ва журналларга кимнингдир мажбурловисиз обуна бўлиши жоиз.

«Янгилик»ни, узунқулоқ гапларни сафсатабозлардан эшитгандан кўра, расмий ахборотни «Жанубий Қозоғистон» газетасидан ўқинг, воқиф бўлинг! Газета ўқиб, ҳеч ким зарар кўрмаган!

Вилоят ҳокимининг матбуот хизмати.

Ў. ШҰКЕЕВГА БОЛАЛИҚДАГИ СУРАТИНИ АРМУҒОН ЭТДИ

2-бет

ЭТНОМАДАНИЯТ БИРЛАШМАЛАРИ ЯНГИ МАНЗИЛДА

3-бет

ТАҲСИНГА САЗОВОР КАСБ СОҲИБИ

4-бет

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

Жанубий Қозоғистон

1991 йил 5 апрелдан чиқа бошлаган
Сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади

2022 йил 21 июнь, сешанба. №66 (3119).

janubiy.kz

ИСТИҚБОЛЛИ ЙЎНАЛИШЛАР БЕЛГИЛАНДИ

ҚОЗОҒИСТОН ВА ЭРОН ПРЕЗИДЕНТЛАРИ МУЗОКАРАЛАР ҲАҚИДА

Томонлар суҳбат давомида икки мамлакат ўртасидаги амалий ҳамкорликни кенгайтириш масалаларига алоҳида эътибор қаратдилар.

Қасим-Жўмарт Тўқаев Иброҳим Раисийга расмий таклиф учун миннатдорчилик билдирди.

– Аввало, самимий қабул учун раҳмат. Бу менинг Президент сифатида Эронга биринчи ташрифим. Бугунги музокаралар икки давлат ҳамкорлиги ривожига янги суръат бағишлайди, деб умид қиламан. Қозоқ халқида «Қўшнинг ҳаққи – худонинг ҳаққи» деган нақл бор. Биз кўшчилар билан доимо тинч-тотув бўлган давлатимиз. Эрон бизнинг яқин кўшимиз ва Каспий соҳилидаги ишончли ҳамкоримиздир, – деди Қозоғистон Президенти.

Давлат раҳбари жорий йилда мамлакатларимиз ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилганга 30 йил тўлаётганини таъкидлади. Президент таъкидлаганидек, шу даврда ҳамжиҳатлигимиз, дўстлигимиз янада мустаҳкамланди.

– Икки томонлама муносабатларимиз жадал ривожланмоқда. Биз бунга ўзаро ишончга асосланган сиёсий мулоқот орқали эришдик. Бизда ҳукуматлараро,



парламентлараро ва ишбилармонлар кенгашлари бор. Тўсиқларга қарамай, савдо-иқтисодий ҳамкорлигимиз йилдан-йилга ривожланиб бормоқда. Жорий йилнинг биринчи чорагида савдо ҳажми 50 фоизга ошди. Эндиги мақсад бу суръатни тўхтовсиз ошириш. Бунга бизнинг салоҳиятимиз етарли. Ўзаро ҳамкорликни ривожлантиришга кўшган ҳиссангизни қадрлайман. Ўзаро муносабатларимизни ривожлантириш учун бор куч-ғайратимни ишга солишга тайёрман, – деди Президент.

Учрашувда таъкидланганидек, жорий йил бошидан ўзаро савдо кўрсаткичлари изчил ўсиб бо-

раётгани кузатилмоқда. Қишлоқ хўжалиги, паррандачилик, балячилик, озиқ-овқат саноати ва бошқа тармоқларда бизнес лойиҳалари муваффақиятли амалга оширилмоқда.

Эрон ва Қозоғистон етакчилари савдо-иқтисодий алоқалар суръатини давом эттириш ва янги «ўсиш нуқталари»ни аниқлаш мақсадида кўшма Ҳукуматлараро комиссия ишени фаоллаштиришга келишиб олишди.

Қасим-Жўмарт Тўқаев ташриф давомида муҳим қарор қабул қилганини маълум қилди.

– Биз Эрон фуқароларига Қозоғистонда 14 кун визасиз қолишга рухсат берамиз. Бу

турли соҳалардаги ҳамкорликни мустаҳкамлайди. Шунингдек, у ишбилармон доиралар вакиллари ўртасидаги алоқаларни фаоллаштиради. Бу музокараларга янги туртки бериб, сайёҳларни янада кўпроқ жалб қилмоқда. Умид қиламанки, эронлик тадбиркорлар бу имтиёздан самарали фойдаланади, – деди Қозоғистон Президенти.

Эрон Ислом Республикаси Президенти Иброҳим Раисий Қасим-Жўмарт Тўқаевга эътибор учун миннатдорчилик билдирди.

Akorda.kz.

ҚИЁСИ ЙЎҚ ЗАВОД ҚУРИЛМОҚДА



Арис шаҳрида илгари Ўрта Осиёда бўлмаган янги завод қурилиши бошланди. Туркистон вилоятининг ҳокими Ў. Шўкеев поливинхлорид грануласи ва кўшилмаси ишлаб чиқарадиган корхона фаолияти билан танишди. Зарур хомашё Хитой, Россия ва Туркиядан келтирилади. Корхона ойига 300 тонна маҳсулот чиқаради. Қурилишга зарур елим панеллар ишлаб чиқарувчи саноат цехида бугунги кунда 30 одам доимий иш билан машғул.

Арис шаҳрида миллий спортни тарғиб қилувчи мажмуа замонавий талабларга мувофиқ жиҳозланди. «Арис – Шардара» тошйўли бўйида қад ростлаган отчопар худудига хусусий сармоядорлар ҳисобидан шаҳар аҳолиси ва меҳмонларига иппотерапия хизмати тақдим этилмоқда. Шунингдек, бу ерда кўпқари, пойга, ошиқ отиш каби миллий ўйинларни ривожлантириш учун барча шароитлар муҳайё. Умумий майдони 5 минг гектарни эгаллаган мажмуада бир вақтинг ўзида 270 одамга хизмат кўрсатилади.

Вилоят ҳокими давлатдан грант олиб, тадбиркорлик фаолиятини бошлаган ишбилармон фуқаролар билан учрашди. 25 фуқаро грант олиб (1225200 тенге), кўрпачи тақийш, чеварлик, хушбўй совуқлар чиқариш билан машғул.

Вилоят ҳокими аҳоли билан учрашиб, уларнинг талаб-истакларини тинглади.

Арисликлар ҳокимдан йўл қурилиши, газ таъминоти, мактабга қатнайдиغان автобус, ичимли сув масаласи ва электр тармоқлари, оқова сувлар тизимига оид муаммоларни ҳал қилиб беришни илтимос қилишди.

Вилоят ҳокими муаммолар қонун доирасида ўз ечимини топишини ҳамда ҳар бири алоҳида назорат остида бўлишини маълум қилди.

Вилоят ҳокимининг матбуот хизмати.

Ў. ШҶКЕЕВГА БОЛАЛИҚДАГИ СУРАТИНИ АРМУҒОН ЭТДИ

Ўтрор тумани аҳолиси билан учрашуви чоғида Ў. ШҶкеевга турғунлардан бири унинг болалиқда ота-онаси билан тушган фотосуратини армуғон этди. Шу тариқа у отасининг васиятини бажарганини таъкидлади.

Янгича, очик мулоқот шаклида ўтган учрашувда туман аҳли минтақа раҳбари билан фикр алмашиб, саволлар билан мурожаат қилди.

– Бугун сиз билан учрашиб, туманда ҳал этилиши зарур долзарб масалаларни муҳокама қиляпмиз. Замон талабига мос ижтимоий дастурга эга бозор иқтисодиётини барпо этиш ҳамда ривожлантириш борасида ишлар давом этади. Кичик тадбиркорликдан умидимиз катта. Вилоятимиз халқи меҳнатсеварлиги билан танилган. Шу боис, кичик тадбиркорликни ривожлантириш кўрсаткичи бўйича пешқадамлар сафидамиз. Минтақада хусусий тадбиркорликни кучайтирамиз. Албатта, бизнесни бошлаш осон эмас. Креатив иқтисод деган жиҳат мавжуд. Йўқ жойдан, хаёлга келмаган касб турлари пайдо бўлмоқда. Минтақада кичик тадбиркорлик иншоотларининг сони ортмоқда. Шу йўналишни давом эттиришимиз зарур, – деди вилоят ҳокими.

Шунингдек, у фуқароларни шахсий масалалари бўйича қабуллаб, уларнинг тақлиф ва мулоҳазаларини тинглади. “Туркистон – Ўтрор” йўли қурилиши келгуси йили якунланиб, туман марказида фахрийлар учун марказ очилди.

Туманда кичик тадбиркор-



лик субъектлари сони ортган. Вилоят ҳокими давлат дастури доирасида маблағ олиб, тадбиркорлик билан шуғулланган ўтрорликлар билан учрашди. Улар қимизчилик, сабзавотчилик, тикувчилик, пишган гишт, керамика маҳсулотларини тайёрлаш, темирчилик, шунингдек, паррандачилик билан шуғулланишмоқда. Вилоят ҳокими тадбиркорларга муваффақият тилади.

Ўтрор туманининг Қўғам қишлоғига узунлиги 25 чақиримдан зиёд газ қувири тортилиб, 2 мингдан зиёд аҳоли табиий газ билан таъминланди. Шунингдек, 29та маший-коммунал иншоот тўла газлаштирилди.

Ўтрор туманидаги аҳоли манзилларини газлаштириш 2018 йили бошланиб, бугунги кунга 7та қишлоққа табиий газ етказилди. Ҳозир 20та қишлоқда газлаштириш давом эт-

моқда. Натижада туманни газлаштириш кўрсаткичи қарийб 70 фоизга етказилди.

Туманда 55 минг аҳоли истиқомат қилади. Ўтган йили sanoat ишлаб чиқариш ҳажми 15 млрд. тенгени ташкил этди. Туманга жалб этилган сармалотлари 17 млрд. тенге, 154 фоизга ортган. Экинзорлар миқдори 35 минг гектар. 200 гектарга яқин ердан дастлабки ҳосил олиш кутилмоқда. Аҳолига 17 минг квадрат метр бошлана берилди. “Овул – эл бешиги” лойиҳаси доирасида қишлоқлар газлаштирилиб, Балтакўл аҳоли манзилида Маданият уйи барпо этилди. Маякун овулида мактаб, Ўтрор аҳоли манзилидаги тиббиёт амбулаторияси тўла таъмирланди. Бу каби ишлар жорий йилда ҳам давом этади.

Вилоят ҳокимининг матбуот хизмати.



Шерзод Пўлатов: МИЛЛИЙ ҚУРУЛТОЙ – ЖАМИЯТНИ БИРЛАШТИРУВЧИ КУЧ

14 июнь куни Қозоғистон Президенти Қасим-Жўмарт Тўқаев Миллий қурултой ва унинг таркиби, қондасини тасдиқлаш тўғрисидаги Фармонни имзолади. Ҳужжатга мувофиқ, Миллий қурултой раиси Қ. Тўқаев, ўринбосарларини – бундан бир кун аввал давлат маслаҳатчиси лавозимига тайинланган Ерлан Карин, “Бош муҳаррирлар клуби” республика жамоат бирлашмаси президенти Бибиғул Жексенбай тайинланди.

Янгидан тузилган Миллий қурултой таркибига 117 одам киритилди. Жумладан, оқин Мухтар Шаханов, фазогир Тўқтар Аубакиров, Парламент Мажлиси раиси, “AMANAT” партияси етакчиси Ерлан Қўшанов, “Хабар” агентлиги бошқарма раиси Берик Уали ва бошқалар. Таркиб аъзолари асосан мамлакатимизда таниқли жамоат арбоблари, журналистлар, дин вакиллари, зиёлилар. Миллий қурултойга ҳудудлар жамоатчилик Кенгашларининг ҳар биридан биттадан вакил, шунингдек, сиёсий партиялар, бизнес, тиббиёт, таълим, фан, маданият, спорт, инсон ҳуқуқлари ва бошқа ижтимоий гуруҳлар вакиллари қиради.

Миллий Қурултой «жамият-

ни миллий кадрлар асосида мустаҳкамлашни янада ривожлантиришга қаратилган узоқ муддатли масалаларни муҳокама қилиш учун майдончага айланади». У Қозоғистон Президенти ҳузуридаги маслаҳат органи бўлиб, таркиби бўйича тақлифлар Президент маъмурияти томонидан тайёрланади. Миллий Қурултой йиғилишларида фақат унинг аъзолари қатнашади.

Нур-Султан шаҳар ўзбек этномаданият бирлашмаси раиси Шерзод Пўлатов бу ҳақда “Қазақстан” миллий телеканалига берган мурожаатиде шундай дейди:

– Эл-юрт тинчлигини сақлаш, халқ бирдамлигини бундан кейин ҳам ривожлантиришни кўзлайдиган орган бу.



Энг асосий бойлигимиз, қадриятимиз – бу бизнинг бирлигимиз. Миллий қурултой уни сақлаб-асраш ва келажакда янада тараққий эттириш учун тузилган маслаҳат ҳисобланади. Халқ орасида юзага келадиган муҳим миллий масалалар таҳлили ва қарорлари билан шуғулланади. Уни халқ дардини тингловчи давлат барпо этиш мақсадида амалга оширилган ишларнинг натижаси, деб биламиз.

“Жанубий Қозоғистон” мухбири.

Тиббиёт ходимларининг касбий шодиданаси муносабати билан Туркистон шаҳрида байрам тантанаси ўтди.

Унда вилоят ҳокимининг ўринбосари Арман Сабитов тиббиёт ходимларини касбий байрамлари билан қутлаб, шифокорларга Соғлиқни сақлаш вазирлигининг «Меҳнат фахрийси», «Соғлиқни сақлаш ишига қўшган ҳиссаси учун» кўкрак нишонлари, вилоят ҳокимининг «Вилоятга кўрсатган хизмати учун» кўкрак нишони билан тақдирлади.

ТИББИЁТ ХОДИМЛАРИ ТАҚДИРЛАНДИ

Туркистон вилоят жамоат саломатлиги бошқармаси раҳбари Марат Пашимов тиббиёт соҳасини янгилаш мақсадида меҳнат қилаётган ходимларни касбий байрамлари билан қутлаб, Қозоғистон Республикаси Президентининг «Халқ эътирофи» медали, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг «Соғлиқни сақлаш соҳаси аъло-

чи» кўкрак нишони билан тақдирлади.

Вилоят бўйича илғор тиббиёт ходимлари бўлган танлов ғолибларига иззат-икром кўрсатилди. Номинатциялар бўйича ғолиблар тақдирланди.

Вилоят ҳокимининг матбуот хизмати.

МАНҒИСТОВ ВИЛОЯТИНИНГ МАДАНИЯТ КУНЛАРИ

Туркистонда “Манғистовдан минг салом, Туркий олам тўри” номли тадбир ўтди. Яссавий номидаги ХҚТУнинг Маданият саройида унинг тантанали очилишида вилоят ҳокими Ў. ШҶкеев ва Манғистов вилояти ҳокимининг ўринбосари У. Тналиев иштирок этиб, “Туркистон вилоятига Манғистовдан совға” кичик меъморий мажмуани ҳамкорликда очдилар.

Маданият кунлари давомида спорт жамоаларининг учрашувлари, илмий анжуманлар ўтиб, икки вилоят ҳамкорлигидаги лойиҳалар таҳлил этилди.

Жумладан, “Тарбия” русум уйининг либослари тақдим этилиб, “Серикбўл Қўндибай – туркий оламнинг йирик тадқиқотчиси” номли тасвирий санъат усталари, расомлар кўргазмаси ўтказилди. Шунингдек, туркий халқлар афсоналарига бағишланган илмий-амалий анжуман ўтиб, унда вилоят ҳокимининг ўринбосари А. Сабитов, Манғистов вилоят ҳокимининг ўринбосари У. Тналиев, Яссавий номидаги ХҚТУ ректори Ж. Темирбекова иштирокчилар ишига муваффақият тилашди. Анжуманда Туркия ва Қозоғистон олимлари ўз



тадқиқот ишларини ўртоқлашиб, Серикбўл Қўндибайнинг илмий ишларини муҳокама қилишди.

Манғистовликлар тайёрлаган маданий дастурда тарихий-ўлкашунослик музейи кўргазмаси, давлат тарихий-маданий қўриқхонаси тақдироти, Болалар йилига бағишланган этнотадбир, катта концерт, сайёҳлик

соҳаси мутахассисларининг давра суҳбати, китоблар кўргазмаси, икки ўлка оқсоқоллари билан учрашувлар ўрин олган. Шунингдек, “Farab” кутубхонасида “Алихан аманаты” дастури ва “Карвонсарой” мажмуасида концертлар бўлди.

Вилоят ҳокимининг матбуот хизмати.

Вилоят ОАВ ходимлари орасида ҚР Давлат раҳбарининг 30 йиллиги ва 28 июнь – Оммавий ахборот воситалари ходимлари кунини муносабати билан уюштирилган спартакида якунланди. Қозоқча кураш, бильярд, стол тенниси, шахмат, кичик футбол, волейбол ва арқон тортиш каби спорт турларидан ўтган беллашувларда энг кучлилар аниқланди.

Умумжамоа ҳисобида “Turkistan Media Holding” ва “Рейтинг-Собкор” жамоалари биринчи ва иккинчи

СПАРТАКИДА ЯКУНЛАНДИ

ўринларни эгаллашса, “Оңтүстік Қазақстан” газетаси учинчи ўринга сазовор бўлди.

Ғолиб ва совриндорларга узоқ йиллар вилоятимиз ахборот соҳасида меҳнат қилиб, ҳаётдан кўз юмган атоқли журналистлар номидаги му-

кофотлар топширилди. Ғолиб жамоалар Қарағанди шаҳрида ОАВ ходимлари ўртасида ўтадиган республика спартакидасида иштирок этишади.

Вилоят минтақавий алоқалар хизмати.



Қозоғистон Украинадаги можаро туфайли ядро қуролини тақиқлашга қақирди.

• Диққат, челенж!

ҲАМИША ОТА ВАСИЯТИГА АМАЛ ҚИЛАМИЗ!



Ассалому алайкум, қадрли мушарийлар!

Раҳматли падари бузрукворимиз Бахтиёр Саид ўғли Юнусов “Жанубий Қозоғистон” газетасини қўллаб-қувватлаган. Биз, фарзанд-

лар ҳам унинг оқилона васиятига амал қилган ҳолда коллеж ходимлари ҳамда талабаларнинг ушбу газетага бўлган эҳтиёжини қондиришга ҳаракат қилиб, ёшларимизнинг ҳар томонлама етук, рақобатбардош инсон сифатида камолга етишлари учун барча шароитларни яратмоқдамиз.

Ифтихор ЮНУСОВ, Шимкент олий педагогика коллежи президенти.

“20 ДОНА ОБУНА – МЕНДАН!”



Ассалому алайкум, аҳли Қозоғистон, азиз юртдошлар, миллат тақдирига бефарқ бўлмаган фидойий ҳамюртлар! «Ўқим оқлик-оқиллик, ўқимаслик-жоҳиллик!», деганларидек, «Жанубий Қозоғистон» вилоят ижтимоий-сиёсий газетасининг директор–бош муҳаррири Алишер Ғафуржон ўғлининг ҳақиқий физқабулқликлар ҳам, қўллаб қувватлаймиз!

«Жанубий Қозоғистон» газетаси – миллатимиз минбари, кўрар кўзи, айтар сўзи, ёруғ юзидир. Маънавияти, қадриятини тараннум этувчи энг масъул – сиёсий, ижтимоий, бадиий оммавий ахборот воситасидир.

Мазкур рўзнома саҳифаларидан дунёвий, геосиёсий ўзгаришларни, давлат сиёсатини қўлловчи мавзуларни, ютуқ ва камчиликларни, халқнинг дарди, орзулари, истиқболли қадамла-

ридан хабардор бўлиб бораёпмиз.

Қадрдон нашримиз худди оила аъзомиз каби, дилмизга яқин, севимли, ўқишли, ўткир мавзулари сабаб қўлмақўл бўлаётганлиги – таҳририят жамоасининг фидойилиги намунаси.

Ундан ташқари – «Жанубий Қозоғистон» миллатимизнинг дунёқарашини, заковат даражасини яъни қувави ҳофизасини юксалтириб бораётган рўзнома – ҳозиржавоб, билимдон журналист-ҳодимларнинг саъй-ҳаракатлари эвазига чоп этилаётганини таъкидламоқ жоиз.

Ҳар бир хонадонга, албатта бир газета зарур, ҳатто у камлик ҳам қилади.

Гувоҳи бўлаётганимиз, газетани интиқий қутиб, қўлига текканида, талашиб-тортишиб ўқийдиган хонадонлар оз эмас.

Ҳафта мобайнида уч бора чоп этилса-да, айрим почта ходимларининг келган газета шугина – деб туришига энсаларимиз қотида, бошқа нуқталардан излаб, сўраб, олиб ўқиётган обуначилар бисёр.

Сайёрани қалқитган пандемия даврида газе-

та жонқуярлари, жанговор постини тарқ этмай, жонини хатарга қўйиб, газета саҳифаларида халқ дардига малҳам бўлиб, фаолиятда бирон марта узилиш қилмаганлари барчаниннг ёдида бўлса керак.

Бас, шундай экан – энг яқин ҳамроҳимиз, ҳабибимиз, табибимиз бўлган ушбу газета ададининг ўсишига қўлдан келганча кўмаклашсак, ташаббус Қозоғистон бўйлаб ёйилишига ҳисса қўшсак, чиройли амал бўларди, азиз юртдошлар!

Дуоларда, тилақларда, фаровонлик, тинчлик, тотувлик, имон, эътиқодга қўшиб, маънавий бойликниям, маънавий тўқликниям, онг, тушунча, дунёқараш кенглигиниям сўрайлик, интилайлик қадрлиларим!

Севимли газетамиз адади ортаверсин! Нуфузи эса юксалаверсин!!

Мен эстафетани қувонч ила, қорабулоқлик таниқли тадбиркор, савоҳатпеша инсон Искандар Умаровга топшираман! Эстафета ришталари бардавом бўлсин!

Ойтўти РЕЖАМЕТОВА, шоира.

ЭТНОМАДАНИЯТ БИРЛАШМАЛАРИ ЯНГИ МАНЗИЛДА



Узоқ йиллар шаҳар ФХДЭ бўлими, сўнг турли ташкилотлар идораси сифатида фойдаланиб келинган улкан бино шаҳар ҳокими Нурбўл Турашбековнинг қарори билан ўзбек, турк, славян этномаданият бирлашмалари, шунингдек, УВУ, Афғон уруши, ядро полигони фахрийлари, оқсоқоллар кенгаши каби турли жамоат ташкилотлари ихтиёрига берилди.

Тадбирда шаҳар ҳокими Нурбўл Турашбеков ҳамда Саврон тумани ҳокими Гани Рисбеков, фаоллардан Тўлқин Саидмуродов, Тойир Абдувалиев, Замир Муҳаммаджонов, Райимжон Қўчқоров каби ўнлаб фидойилар иштирок этишди.

“Интимоқ” уйида макон топган барча жамоат

ташкilotлари вакиллари билан шаҳар ҳокими Н. Турашбеков эсдалик учун суратга тушди. Фаол отахон Т. Саидмуродов эл бирлиги, тотувлиги, ёшлар саодати учун қўлларини дуога очиб, фотиҳа қилди.

Тасвирларда: тадбирдан лавҳалар. Муаллиф тасвири.



Туркистон шаҳридаги кўп соҳали индустриал-техника коллежи жамоаси директори А. Асанов раҳбарлигида ишлаб чиқариш таълими устаси Исмоил Эргешов (тасвирда)ни фахрий ҳордиққа кузатди.

ҲАМКАСБИМ – ФАХРИМ

И. Эргешов 1959 йили Туркистонда туғилган. Урта мактабдан сўнг Тошкентда қурилиш техникумида аъло баҳоларга ўқиди. Касбини етук ўзлаштирди. Совет Армияси сафаридаги ҳарбий хизматдан сўнг 1984 йилдан бошлаб шаҳардаги 29-хунарасиб билим юртида меҳнат фаолиятини бошлади.

Утган йиллар мобайнида жами 325 шогирдига қурувчи ихтисоси бўйича малакали таълим-тарбия берди. Республика пешқадам уста танловида фахри биринчи ўринни эгаллаган. Бир йилдан сўнг яна республика миқёсида фахри ўринга сазовор бўлган.

Ибрай Алтинсарин номидаги ҳамда касабани уюштира

сига кўрсатган хизматлари учун нуфузли медаллар, кўп-кўп “Ташаккурномалар” билан тақдирланган. Умр йўлдоши Малика Эргешова билан қобил фарзандлар ҳамда ширин-шакар неваралар тарбиялаган пири бадавлат хонадон соҳиби.

Мен барча ҳамкасблар қатори Исмоил акани ўз касбига садоқати, изланувчанлиги, моҳирлиги, инсон сифатида камтарин, меҳнатсеварлиги учун ҳурмат қиламан. Мустақам саломатлик ҳамда кексалик гаштини суриш саодати сурурли бўлишини тилайман.

Мурод ҚОБИЛОВ.
Кўп соҳали индустриал-техника коллежи ўқитувчиси.

● Туркистон – туркий оламнинг маънавий пойтахти

АДИБ МИРТЕМИР ТУРСУНОВ МУЗЕЙИДА

Эски Иқон қишлоғи ҳокимлиги биносига яқинлашарканман чап томондаги Миртемир номидаги адабиёт музейи олдида тўпланган ўқувчилар ва ўқитувчиларга кўзим тушди, суҳбатлашиш учун уларга юз бурдим. Аҳмад Яссавий номли умумий ўрта мактаб ўқитувчилари Ҳанифа Ортиқбошева, Диёра Нурметова, Муаттар Шожалиева, Қундуз Отабекова, Юлдуз Мусаевалар раҳбарлигида бир гуруҳ бошланғич синф ўқувчилари Элбек Турсунов ва Ирода Раҳимовалар меҳнат қилаётган машхур ҳамқишлоқлари музейига ташриф буюришган экан.

Ўқувчилардан Миртемир ҳақида сўраганим бурро ва аниқ жавоблари билан қувонтирди. Фахрий устоз Тўхтапўлат Тилеулиевнинг ташаббуси билан адиб Миртемирнинг бир асрлик ва яна қатор юбилейларини Туркистон шаҳар ўзбек этномаданият бирлашмаси раҳнаомлигида халқаро миқёсда юксак савияда ўтказганимиз, бу йил 70 ёшга тўлган ёзувчи Қулбек Ергўбек барча тадбирларда бошқарувчилик вазифасини



шараф билан адо этганлиги ёдимга тушди.

Икки давлат учун ҳам кадрли адиб Носир Фозилов, шоирлар Эрназар Рўзиматов, Абдирахим Пратов, Хусан Убайдуллаев, Долимжон Сайфуллаев, Акажон Иззатуллаев қозоқ адиби Мархабат Байғут талай маротаба Миртемир ёдгорлиги пойига гулчамбарлар қўйиб, музейни иштиёқ ила томоша қилишган.

Туркистон шаҳар ўзбек этномаданият бирлашмаси

номидан адиб М. Турсунов номи абадийлаштириш мақсадида Қозоғистон халқи Ассамблеяси маъмуриятига сўровнома – мактуб йўлланган.

Ёш авлод ўтмиш, тарихни кунт ила ўрганса, нур устига нур.

Тасвирда: Миртемир ёдгорлиги пойида А. Яссавий номли мактаб ўқитувчи ва ўқувчилари. Муаллиф суратга олган.

● Обунада пешқадам жамоада



ҲАМЗА НОМЛИ МАКТАБДА ЎҚУВ ЙИЛИ ЯКУНИ

Туркистон шаҳридаги Дилбар Дийметова раҳбарлик қилаётган Ҳамза номли мактаб ўқитувчилари ва ота-оналар жамоаси ҳар галгидек 200 нусхалик баракали улуши билан 2022 йилнинг иккинчи ярми режаси ижросига муносиб ҳисса қўшдилар. 16 июнь кунини мактаб мажлислар залида етуклик аттестатини топшириш ҳамда ўқув йилини аълога яқунлаган битирувчиларни тақдирлаш маросими ўтди.



Мактаб директори Дилбар Дийметова, ўринбосарлари Дилрабо Зайнулдинова, Баҳодир Исмоилов, Зулфия Гофурова, Абдулҳақ Мамедов, Умида Шонабоева, Матлуба Файзиметовалар, шунингдек, битирувчи синфлар раҳбарлари Нилуфар Хилватова, Насиба Гофурова, Муножот Маннопова, ота-оналар Зебо Масодиқова, Нуринсо Бобонова, Рўза Эргешовалар ўқувчиларни муборакбод этиб, мустақил ҳаётда муваффақият ёр бўлишини тиладилар.



юмган эди. Мусибатли айрилиқ азоби барчага, марҳума устознинг шогирдларига ҳам оғир зарба бўлди. Уша пайтдаги бошланғич синф, бугунда 11-“А” синф битирувчи ўқувчилари марҳума устозлари Динора Азимова хотирасини ёд этиб, у туғилиб ўсган хонадонга бориб, волидаи муҳтарамаси – 72 ёш-



Энг аввало, устозлар ҳамда ота-оналар ишончини оқлаб, мактабни “Олтин белги” билан тамомлаган иқтидорли ўқувчилар – Султонмурод Алиев, Севинч Эгамбердиева, Фарангиз Исҳоқова, Фарҳод Масодиқов, Дилнур Сулаймонова, Бибишарипа Йўлдошбоева (барчаси 11-“А” синф ўқувчилари) ҳамда Мадина Дадахонова, Севинч Яҳёева, (11-“Б” синф ўқувчилари).

“Илғор аттестат” соҳиблари – Дилнур Абдураимов, Севара Абдуллаева, Сарвиноз Ҳасанова, Руслан Сапаров, Дилмира

Шопўлатова, Камола Бобонова (11-“А”, “Б”, “В” синф ўқувчилари). Барча битирувчиларга ўзлари танлаган олий ўқув юртиларида олий таълим, хунарт-таълим коллежларида малакали хунарт эгаллаб, мустақил Қозоғистоннинг малакали мутахассислари бўлишларига самимий тилак билдираман.

Бундан 7 йил муқаддам Ҳамза номли мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси Динора Азимова қизи Насибахон билан Таукехон шохқўчаси ва Кенесари кўчалари чорраҳасида машъум автохалокат сабаб ҳаётдан қўз

даги онахон Қундуз Азимовага ҳамдардлик билдириб, совғасаломларини тақдим этишди, эсдаликка суратга тушишди. Ўтганларнинг охиратлари обод бўлсин!

Д. Азимованинг ҳаётлигида дарс бераётган палла акс этган ҳамда унинг собиқ ўқувчилари – бугунги битирувчилар Қундуз ая ҳузурига ташриф буюрган чоғидаги суратлар мақола билан бирга чоп этилмоқда. Ушбу мақолани нашрга тайёрлашга ҳамкорлик қилган мактаб маъмурияти ҳамда устоз Хусан Убайдуллаевага миннатдорчилик изҳор этамиз.

М. АЛИ.

Тасвирларда: мактаб директори Дилбар Дийметова; аҳил жамоада меҳнат қилаётган директор ўринбосарлари; битирувчи синф ўқитувчилари; “Олтин белги” соҳиблари; Марҳума Динора Азимова; Битирувчи синф ўқувчилари Қундуз ая хонадониди.

Хусан УБАЙДУЛЛАЕВ суратга олган.

Саҳифани Ш. МАДАЛИЕВ тайёрлади.



КОЛЛЕЖДА МУАССИС ХАМДА ДАВЛАТНИНГ ТАЪЛИМ ГРАНТЛАРИ ВА БОШҚА ИМТИЁЗЛАР КЎЗДА ТУТИЛГАН.

Замонавий ўқув жиҳозлари билан таъминланган билим даргоҳида ёшлар ҳар томонлама етук билим ва таълим-тарбия олишлари, хунар эгаллашлари учун барча шарт-шароитлар яратилган.

Коллежнинг замонавий биносидан ўқув хоналаридан ташқари лингафон, компьютер хонаси, кутубхона ва спорт мажмуалари мавжуд.

Коллеж 2022-2023 ўқув йилига қуйидаги ихтисосликлар бўйича талабалар қабул қилади.

01120100 Мактабгача таълим ва тарбия

4S01120102 Мактабгача тарбия муассасаси тарбиячиси

5AB01120101 Мактабгача таълим ва амалий бакалаври мутахассисликлари

01140100 Бошланғич таълим педагогикаси ва услубчиси

4S01140101 Бошланғич таълим ўқитувчиси

5AB01140101 Бошланғич таълим амалий бакалаври

4S01140102 Бошланғич таълим чет тили ўқитувчиси

01140700 Информатика

4S01140701 Бошланғич ва асосий ўрта таълим берадиган информатика ўқитувчиси

01140200 Муסיқа

4S01140201 Мактабгача тарбия муассасалари, бошланғич ва ўрта мактабларда муסיқа ўқитувчиси

01140500 Жисмоний тарбия ва спорт

4S01140501 Жисмоний тарбия ўқитувчиси

01140600 Асосий ўрта таълим муассасаларида тил ва адабиётни ўқитиш педагогикаси ва услубчиси

4S01140601 Қозоқ тили ва адабиёти ўқитувчиси

0230200 Кийим дизайнери

3W02120201 Техника ва чиройли эскизларни тайёрловчи

4S02120203 Кийим дизайнери

02310100 Таржимонлик иши (турлари бўйича)

4S02310101 Таржимон

03220100 Кутубхоначилик иши

4S03220101 Кутубхоначи

04110100 Ҳисоб ва аудит

4S03220102 Иқтисодчи- ҳисобчи

04210100 Ҳуқуқшунослик

4S03210101 Ҳуқуқшунос

06120100 Ҳисоблаш техникаси ва дастурий таъминот

3W06120101 Компьютер аппаратлар таъминоти оператори

06130100 Ҳисоблаш техникаси ва ахборот тизими (турлари бўйича)

4S06130103 Компьютерли аппарат таъминоти оператори

Ўқишга марҳамат!

ҚОЗОГИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING НУФУЗЛИ
ТАЪЛИМ ДАРГОҲЛАРИДАН ҲИСОБЛАНАДИГАН

ШИМКЕНТ ОЛИЙ ПЕДАГОГИКА КОЛЛЕЖИ

2022-2023 Ўқув йили учун талабаларни қабул қилмоқда



Коллежда Мактабгача таълим ва амалий бакалаври мутахассисликлари ва Бошланғич таълим амалий бакалаври ихтисосликлари олий ўқув дастури асосида ўқитилади ва бакалавр дипломи бериллади.



Қўшни давлат ҳамда вилоятлардан келган талабалар
учун ётоқхона мавжуд
Коллеж 2019 йили халқаро аккредитациядан ўтган

ЗАРУР ҲУЖЖАТЛАР:
Фуқаролик гувоҳнома-
си нусхаси
Маълумоти ҳақида
аттестат
Тиббий маълумотнома
3x4 ҳажмдаги 6 дон
фотосурат

МАНЗИЛ:
Қозоғистон Республикаси,
Шимкент шаҳри, 8 март кўчаси, 22-уй.
Телефон: +7 7252 50-61-36
WhatsApp, телеграм: +7 776 789 87 78
Сайт: www.shym-college.edu.kz
Истеграм: [shym_kolledj](https://www.instagram.com/shym_kolledj)
Email: ukpk_shym@mail.ru



«ДЕНСАУЛЫҚТЫҢ АЛТЫН ЕРЕЖЕЛЕРИ»

Ўлттық бағдарламаның негізгі мақсаты мударделі тараптарды қоса алғанда, денсаулықты нығайту және жіті ішек инфекцияларының алдын алу үшін тамақ өнімдерін өндірушілер мен жеткізушілер және адамның жеке гигиенаны сақтауға қатысты қауіпсіздігін қамтамасыз етудің тиімді жүйесін және тамақтану қауіпсіздігінің маңызды бес қағидатын құру мәселелеріне бүкіл қоғамның назарын аудару болып табылады.

Негізгі принциптері:

-тамақтану қауіпсіздігін қамтамасыз ету арқылы халықтың денсаулығын сақтау және нығайту;
- тамақтану қауіпсіздігін, сапасын және қолжетімділігін қамтамасыз ету;

- жеке гигиенаның негізгі ережелерін сақтау дағдыларын дамыту.

Жіті ішек инфекциясы – бұл адам аруларының кең тобы. Оған мыналар жатады: жеңіл, тозған және асимптоматикалық нысандары бар науқастар басқаларға ең қауіпті. Жіті ішек инфекцияларына

сезімталдық жоғары. Жұқтыру қаупі организмге тускен қоздырғыштың дозасына, сондай-ақ, асқазан-ішек жолының тосқауыл және ферментативтік функциясының жай-күйіне және организмнің сезімталдығына байланысты.

Жіті ішек инфекциясының белгілері пайда болған кезде дереу медициналық көмекке жүгіну керек!

**Фаррух АЛИҚУЛОВ,
№12 ҚЕНЫҢ жалпы
тәжірибе дәрігері.**

МЕРОСҲҮРЛАР ДИҚҚАТИГА!

2022 йил 24 апрель куні вафот этган (вафоти тұғри-
сидаги гувоҳнома рақами
№1774) Ризаметов Сайфулла
Мирзаметович мол-мул-
кига даъвогар барча ме-
росхурлар Шимкент шаҳри,
Қаратау тумани, Иброхим
ота кўчаси, 113/2 уйда жой-
лашган нотариал идора но-
тариуси Асилбекова Гулназ
Менлибаевага мурожаат
қилишлари мумкин.

ТАҲСИНГА САЗОВОР КАСБ СОҲИБИ

Таҳсинга лойиқ шифокорлардан бири, доимий обуначи-
миз – Абдушукр Мамадалиев волида муҳтарамасининг
тез-тез хасталикка чалиниши туфайли тиббиёт соҳасини
танлаган. Унинг орзусини падали бузруквори қўллаб-қув-
ватлаган.

– Аслида математика ва иқтисодиёт йўналишига қизиқардим.
Лекин, эндиликда қабулимга шифо истаб келган ҳар бир бемор-
нинг дардида даво бера олганимдан мамнунман, – дейди у.

Тиббиёт соҳасига дадасининг дуоси билан келган қахрамо-
нимиз бир неча олий ўқув юрларида тахсил олиб, ўз соҳасига
бўлган меҳри ва тажрибасини орттирган. Жумладан, Жанубий
Қозоғистон давлат тиббиёт академиясида 4 йил, академия би-
тирувчилари орасида сараланиб, энг яхши ўқиган 90 талаба са-
фида яна икки йил тахсил олган. Сўнг Хожа Ахмад Яссавий но-
мидаги Халқаро Қозоқ-Турк университетиде 1 йил интернатура
босқичини тамомлаган. Мазкур академияда гастроэнтеролог ва
эндоскопист соҳалари ва Алматы шаҳридаги С. Д. Асфендия-
ров номидаги қозоқ миллий тиббиёт университетиде умумий
амалиёт шифокори мутахассислиги бўйича малака оширган.

– Ўқишни тамомлагач, Туркистон шаҳар поликлиникасида,
ҚР Фавқуллода вазиятлар вазирлигининг Туркистон вилояти
бошқармасида, бўлим бошлиғи сифатида иш юритдим, бугун-
ги кунда эса Янги Иқон қишлоқ шифохонасида фаолиятимни
давом эттиряпман. Айни дамда Туркистон вилояти тиббиёт
соҳаси тараққиёт босқичида. Бундай дейишимга сабаб сўнги
йилларда янгидан келтирилаётган компьютер техникаси воси-
талари, тиббий анжом ва усқуналар шифокорларга фаолият
жараёнида қулайлик туғдирмоқда. Замонавий тиббий усқуна-
лар бизларга аҳоли ўртасида касалликларни эрта аниқлаш,
жадал даво чораларини кўриш ва дардни бартараф этишда
самарали ёрдам бераёпти. Утган йиллар давомида инсониятни
вахимага солган пандемиядан кейин ҳам янги шифокорлар
қад ростлаб, аҳолига беминнат хизмат қилмоқда, – дейди
А. Мамадалиев.

Абдушукр Ориф ўғлининг гапларига қараганда дардни ен-
гишининг дастлабки усули инсон ўзида касалликка қарши куч
топишдодир. Лекин ҳар қандай ҳолатда ҳам ўзини ўзи даво-
лашдан йироқ бўлмоқ инсон саломатлиги учун афзалроқдир.
Мутахассислар ҳар қандай мақтовга сазовор...

Майсара САФАРОВА.

**«Turkistan» телеканалда бир дақиқали реклама материаллари-
ни жойлаштириш – 34000 тенгедан бошланади.**

Turkistan Times янгиликлар дастурига лавҳа тайёр-
лаш ва жойлаштириш – 250 000 тенгедан.

“Жаңа толқын” ахборот-кўнгилочар
дастурига лавҳа тайёрлаш ва жой-
лаштириш – 150 000 тенгедан
бошланади.

**Кўламдор реклама-ахборот материаллари учун
чеғирмалар мавжуд.**

**Телеканалга реклама берувчини жалб
қилган ҳамюртларимизга бюртма миқдорининг
15 фоизи миқдорида агентлик
мукофоти тўланади.**

**Барча реклама ва эълонлар эрталабки соат 08:00дан
кечки соат 24:00гача эълон қилинади ва Қозоғистон,
Қирғизистон, Туркия, Озарбайжон Республикалари,
Туркменистон ва Венгрия ҳудудларида эфирга узатилади.**

**Маълумот учун телефонлар:
+7 (7253) 35 30 31, +7 (747) 944-08-25.
Телеканал маъмурияти.**

Директор – Бош муҳаррир –
Алишер Ғофуржон ўғли
СОТВОЛДИЕВ.

Бош муҳаррир ўринбосарлари:
Муроджон АБУБАКИРОВ.
Авазхон БҮРОНБОЕВ.

Масъул котиба – Шаҳноза УСМОНОВА.

Масъул шахслар:

Туркистон, Кентов — Шомирза МАДАЛИЕВ. 8(72533) 2-40-07.
Тўлебий — Баҳорой ДҮСМАТОВА. 8(72547) 6-07-16.
Қазигурт — Хуршид ҚҮЧҚОРОВ. +7-701-447-37-42.
Сайрам — Мухтабар УСМОНОВА. +7-707-257-97-36.
Тулқибош — Мунира САЪДУЛЛАЕВА. +7-747-144-60-71.
Обуна, реклама ва эълонлар — Зокиржон МҮМИНЖОНОВ. +7-702-278-96-90

Қозоғистон Республикасида тарқатилади.

Муассис – Туркистон вилояти ҳокимлиги.
Мулк эгаси – “Жанубий Қозоғистон” вилоят ижтимоий-сиёсий
газетаси таҳририяти” масъулияти чекланган биродарлиги.

● Мақолалар, эълон ва билдирувларда
факт ҳамда далилларни тўғрилик учун
муаллифлар, реклама ва эълон берувчилар
масъулдир.
● Фобдлангилмаган мақолаларга ёзма
жаавоб қайтарилмайди.

Газета ҚР Маданият ва ахборот вазирлиги
томонидан 2020 йил 21 апрелда рўйхат-
га олинб, КЗ34VPU0022503 гувоҳнома
берилган.

“ERNUR-print” МЧБ бошхонасида chop этилди.
Шимкент шаҳри, Т. Алимутов кўчаси, 22.

МАНЗИЛИМИЗ: 160023, Туркистон шаҳри,
“Жаңа қала” кичик тумани,
11-кўча, 26-бино, 3-қават.
Телефон: 53-93-17. Телефакс: 53-92-79.
Бухгалтерия: 39-16-44. +7-747-701-50-55

Электрон почта: janubiy@inbox.ru

Нашр кўрсаткичи – 65466. Адади – 12000 нуска.
Бюджет
1600. Набатчи муҳаррир: Мунира САЪДУЛЛАЕВА.